

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.І.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВ ОЛИМЖОН АБДИСАЛОМОВИЧ

**АҲОЛИНИНГ БЕҚАРОР ИШ БИЛАН
БАНДЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундаражаси**

**Оглавление автореферати диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

Content of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Набиев Олимжон Абдисаломович

Аҳолининг беқарор иш билан бандлигининг ижтимоий-меҳнат
муносабатларига таъсири-----3

Набиев Олимжон Абдисаламович

Влияние неустойчивой занятости населения на социально-трудовые
отношения-----27

Nabiev Olimjon Abdisalomovich

Impact of precarious employment of population on social and labor relations-----51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works-----55

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.І.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАБИЕВ ОЛИМЖОН АБДИСАЛОМОВИЧ

**АҲОЛИНИНГ БЕҚАРОР ИШ БИЛАН
БАНДЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/11031 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифаси (www.reu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахманов Каландар Ходжаевич
Ўз ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Расмий опонетлар:

Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Холмухамедов Мухсинжон Муродуллаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси 2021 йил «17» 04 да соат 10⁰⁰ да Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали қошидаги илмий даражалар бериш бўйича DSc.22/30.12.2019.I.100.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: info@reu.uz.

Диссертация иши билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: info@reu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «06» 04 кун тарқатилди.
(2021 йил «6» 04 даги 7 рақамли реестр баённомаси.)



Н.Х.Рахимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
иқтисодиёт фанлари доктори

З.Г. Шакаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Я. Худайбердиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолининг муносиб меҳнат шароитлари ва етарли даромад кафолатланган ишларда банд бўлишини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилишига қарамасдан, беқарор бандлик тобора жиддий ижтимоий муаммога айланмокда. ХМТ маълумотларига кўра, “2019 йилда дунё миқёсида ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлган 3,3 млрд. кишининг катта қисми муносиб меҳнат шароитлари ёки етарли даромад кафолатланмаган ишларда банд бўлган. Айниқса, қуйи ва ўрта даромадли мамлакатларда 1,4 млрд. киши норасмий, ночор шароитларда меҳнат қилган”¹. Бугунги кунда меҳнат бозори либераллашувини мақсадли тартибга солиш, ижтимоий-меҳнат муносабатларида ижтимоий кафолатларга эътиборни ошириш ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг иш билан муносиб бандлик концепцияси талабларига мувофиқ тегишли тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Жаҳонда аҳоли беқарор иш билан бандлигининг ижтимоий-меҳнат муносабатлари муаммолари ечимига йўналтирилган илмий-тадқиқотлар кенг қамровда амалга оширилмокда. Тадқиқотлар таркибида меҳнат ресурслари мобиллиги ва миграцияси шароитида меҳнат бозорини либераллаштириш, ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари муаммоларини яхлит тизим сифатида ҳал этиш, норасмий иш билан бандликни аниқлаш методикасини такомиллаштириш, иш билан бандликнинг ностандарт шакллари ривожлантириш йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмокда.

Ўзбекистонда, айниқса, кейинги йилларда аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, доимий бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш каби масалалар устувор аҳамият касб этмокда. “Худудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, хусусан камбағалликни қисқартириш вазифалари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун фундаментал шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги ва барқарор иш ўринларини ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир”². Мазкур вазифаларни ҳал этишда аҳолининг беқарор иш билан бандлик даражасини меҳнат бозорини тартибга солишнинг мақсадли параметрлари асосида камайтириш, ностандарт шаклдаги бандлик даражасини ошириш, даромаднинг беқарорлигига таъсир этувчи омиллар асосида аҳоли даромадлари прогноз

¹Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотлари. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_734455.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони//<https://lex.uz/docs/4776669>

кўрсаткичларини асослаш каби йўналишларда тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меърий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Беқарор иш билан бандлик - прекаризациянинг назарий-методологик асослари, аҳолининг ижтимоий табақаларга тақсимланиши, меҳнат бозоридаги муайян ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий кафолатлар мавжуд бўлмаган ностандарт иш билан бандлик турлари, иш билан бандликнинг ўзгарувчан норасмий шакллари ҳамда уларнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирининг илмий асослари хорижлик олимлар³: Р.Кастель, Г.Стэндинг, П.Бурдые С. Паугам, Р.Д.Хепп, Б.Л.Ньюгартен, А.Коллберг ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган бўлса, ностандарт иш билан бандлик муаммолари, унинг айрим замонавий турлари ва шакллари тадқиқ этишда илмий ёндашувлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари⁴: В.Н.Бобков, О.В.Вередюк, В.Е. Гимпельсон,

³ Кастель Р. Метаморфозы социального вопроса. Хроника наемного труда. - СПб.: Алетея, 2009. - 574 с.; Стэндинг Г. Прекариат: новый опасный класс. - М.: Ад Маргинем Пресс, 2014. - 328 с; Paugam S. Die Herausforderung der organischen Solidarität durch die Prekarisierung von Arbeit und Beschäftigung / R.Castel, K.Dörre (Hg.) Prekarität, Abstieg, Ausgrenzung. Die soziale Frage am Beginn des 21. Jahrhunderts. - Frankfurt am Main/New York, 2009. - P.175-196; Hepp Rolf-Dieter. Prekarisierung und Flexibilisierung (Precarity and Flexibilisation). Westfälisches Dampfboot, 2012. -386 p; Hepp, R-D (2012). Prekarisierung und Flexibilisierung (Precarity and Flexibilisation). Westfälisches Dampfboot. - 386 p; Coleman R.P., Neugarten B.L. Social status in city. San Francisco: Jossey-Bass, 1971. 322 p; Arne L. Kalleberg. Measuring Precarious Work. A working paper of the EInet measurement group. University of North Carolina at Chapel Hill. - November, 2014.

⁴ Неустойчивая занятость в Российской Федерации: теория и методология выявления, оценивание и вектор сокращения : научная монография / коллектив авторов; гл. науч. ред. В.Н. Бобков; редкол. : И.В. Новикова (зам. гл. ред.), В.Г. Квачев, И.Б. Колмаков, Н.В. Локтюхина, Н.Л.Лютов, Ю.Г. Одегов, Е.В. Одинцова, В.В. Павлова, И.А. Шичкин. - Москва: КНОРУС, 2018. — 342 с; Занятость и социальная прекаризация в России:

Ю.Г.Одегов, З.Т.Голенкова, Ю.В. Голиусова, Е.А.Гришнина, Н.В.Осипова, Н.Ж.Альшанова ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатлари – меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши, аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат миграциясини тартибга солиш, ишсизликни камайтириш, янги иш жойлари яратиш масалаларининг назарий ва амалий жихатлари республикамиз олимларидан: Қ.Х.Абдурахмонов, Д.Н.Раҳимова, Н.К.Зокирова, Б.Х.Умурзоқов, Н.Х.Раҳимова, З.Я.Худойбердиев, Н.У.Арабов⁵ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон иқтисодиётида беқарор иш билан бандлик, унинг иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг даромадларига таъсири, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг муносиб меҳнат концепциясига зид бўлган ана шундай меҳнат фаолияти муаммолари чуқур тадқиқ этилмаган. Бу ҳам диссертация мавзусининг долзарблигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, №ФМ-5 «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва либераллаштириш шароитида ижтимоий – меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳолининг беқарор иш билан бандлигининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва меҳнат бозори муаммолари ечимлари юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“беқарор иш билан бандлик” тушунчаси моҳиятининг концептуал асосларини тадқиқ этиш ва бу муаммога назарий ёндашувларни умумлаштириш;

введение в анализ: монография/В.Н. Бобков, О.В. Вередюк, Р.П. Колосова, Т.О. Разумова. – М.: ТЕИС, 2014; Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г. Экономика труда – 2-е изд., перераб. и дополненное. – М.: Юрайт, 2017; Бизюков П.В., Герасимова Е.С., Саурин С.А. Заемный труд: последствия для работников. – Москва, 2012; Голенкова З.Т., Голиусова Ю.В. Новые социальные группы в современных стратификационных системах глобального общества // Социологическая наука и социальная практика. 2013. № 3.

⁵ Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий-ўқув қўлланма). - Т.: Университет, 2006; Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт. Дарслик / Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” нашриёти давлат корхонаси, 2019. – 592 б; Умурзаков Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Монография. - Т.: «Iqtisodiyot». 2011.; Абдурахманова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография - Т.: «Iqtisodiyot». 2014, с 216.; Артыкова Д.А. Формирование занятости населения в Республике Узбекистан. - Т.: Фан, 2005; Холмуминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2004; Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.К. Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Монография. - Т.: «Iqtisodiyot», 2013. - С. 272.

ижтимоий-меҳнат муносабатларининг беқарорлиги хусусиятларини очиб берувчи сабаблар ва оқибатларни аниқлаш;

мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ва чуқур ислохотлар доирасида меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига талаб ва таклифнинг тартибга солинишини таҳлил этиш;

аҳолининг беқарор иш билан бандлиги кўламининг кенгайиши сабаблари ва омилларига аниқлик киритиш;

коронавирус пандемияси оқибатида беқарор иш билан бандликнинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли даромадларига таъсирини таҳлил қилиш;

ривожланган хорижий мамлакатларнинг беқарор иш билан бандликни тартибга солиш тажрибасини умумлаштириш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятларига аниқлик киритиш;

фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг аҳолини иш билан муносиб бандлигини таъминлашдаги ролини асослаш;

замонавий ва самарали иш жойларини яратишда “рақамли иқтисодиёт”нинг аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон меҳнат бозорида беқарор иш билан банд бўлган фаол аҳоли олинган.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатда беқарор иш билан банд меҳнат ресурсларининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий меҳнат муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида тизимли таҳлил, гуруҳлаш, мантиқий фикрлаш, комплекс баҳолаш, мантиқий ва такқослама таҳлил, статистик ва эконометрик моделлаштириш, истиқболли прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

норасмий банд аҳоли сони ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ифодаловчи статистик маълумотлар асосида шакллантирилган регрессион модель ёрдамида аҳолининг беқарор иш билан бандлик даражаси ва унинг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

ностандарт бандликнинг меҳнат бозоридаги ўзгаришларга таъсирини баҳолаш услубияти беқарор иш билан бандликда меҳнат бозорида касблар ва касбий қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжни ҳар бир кичик касб даражасида баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

беқарор иш билан бандликнинг прекаризация, аутсорсинг ва аутстаффинг каби шакллари олиб келувчи омилларнинг меҳнат бозори ва ижтимоий-меҳнат муносабатларига бўлган таъсири ва оқибатларини баргараф этишга қаратилган назарий ва амалий таклифлар асосланган;

аҳолининг беқарор иш билан бандлик даражаси ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари ўртасидаги боғланиш даражасининг юқорилиги исботланган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи ва даромаднинг беқарорлигига таъсир этувчи омиллар асосида аҳоли даромадларининг 2030 йилгача бўлган прогноз

кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“аҳолининг беқарор иш билан бандлиги” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган;

мамлакатда норасмий иш билан банд аҳоли кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар асосида регрессион модель тузилган;

беқарор иш билан бандликнинг аутсорсинг, аутстаффинг ва фрилансинг шаклларидан фойдаланиш орқали меҳнат бозорини давлат томонидан ҳуқуқий-иқтисодий тартибга солишнинг аҳамиятига аниқлик киритилган;

аҳолининг беқарор иш билан бандлик даражасининг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирини тизимли тадқиқ этишнинг концептуал модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика кўмитасининг маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган методологик-услубий таклиф ва тавсиялар ижтимоий-меҳнат муносабатларининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини, меҳнат бозорини баҳолаш, самарали иш жойларини яратиш, иқтисодий фаол аҳолининг иш билан муносиб бандлигини таъминлашга оид илмий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан меҳнат ресурсларини иш билан барқарор бандлиги даражасини ошириш ҳамда янги иш жойларини ташкил этиш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, Бандликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, меҳнат иқтисодиёти, меҳнат бозори иқтисодиёти, кадрлар менежменти, меҳнат ресурсларини бошқариш ва бошқа фанларни ўқитиш доирасида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беқарор иш билан бандлик муаммолари ва меҳнат бозорини янада такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

норасмий банд аҳоли сони ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ифодаловчи статистик маълумотлар асосида шакллантирилган регрессион модель ёрдамида аҳолининг беқарор иш билан бандлик даражаси ва унинг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирини баҳолашнинг такомиллаштирилган усулидан республикада норасмий банд аҳоли сонининг

ўзгариши динамикасини таҳлил қилишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/00-02/07-10198-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши меҳнат бозорида беқарор иш билан бандликни барқарорлаштириш ва фуқароларни ишга жойлаштириш, уларнинг меҳнат фаолиятдан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

ностандарт бандликнинг меҳнат бозоридаги ўзгаришларга таъсирини баҳолаш услубиёти беқарор иш билан бандликда меҳнат бозорида касблар ва касбий қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжни ҳар бир кичик касб даражасида баҳолаш бўйича таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан “Меҳнат бозори ва истиқболли касб ҳамда мутахассисликларни қайта шакллантириш” мавзусидаги таҳлилий маълумотномани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/00-02/07-10198-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши меҳнат бозорида касбларга ҳамда фуқароларни касбий қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини аниқлашга ва аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

беқарор иш билан бандликнинг прекаризация, аутсорсинг ва аутстаффинг каби шакллариغا олиб келувчи омилларнинг меҳнат бозори ва ижтимоий-меҳнат муносабатларига бўлган таъсири ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган таклифлар норасмий иш билан бандлик даражасини камайтиришга хизмат қилувчи меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/00-02/07-10198-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши меҳнат бозорини давлат томонидан ҳуқуқий-иқтисодий тартибга солишда миллий қонунчилик базаси ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аҳолининг беқарор иш билан бандлик даражаси ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари ўртасидаги боғланиш даражасининг юқорилиги исботланган ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи ва даромаднинг беқарорлигига таъсир этувчи омиллар асосида аҳоли даромадларининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан “Меҳнат бозори ва истиқболли касб ҳамда мутахассисликларни қайта шакллантириш” мавзусидаги таҳлилий маълумотнома ва Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01/00-02/07-10198-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши меҳнат ресурсларини барқарор иш билан таъминлаш, бандлик хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, меҳнат бозорини ривожлантириш мақсадларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича унинг асосий ғояларини ва мазмунини ақс эттирган жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган республика журналларида 4 та, нуфузли хорижий журналларда 3 та, илмий амалий конференцияларда 9 та маъруза тезислари, шунингдек, 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 155 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Аҳоли беқарор иш билан бандлигининг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирининг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, унда аҳоли беқарор иш билан бандлигининг назарий-концептуал асослари, унинг шакллари ва баҳоланишига ёндашувлар, бундай меҳнат фаолиятининг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсири таҳлил этилган.

Ўзбекистонда барқарор ижтимоий-меҳнат муносабатларини ривожлантириш иқтисодиётнинг расмий ва норасмий секторида беқарор иш билан бандлик муаммоларини назарий ва амалий ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни амалга оширишни талаб қилади.

Иқтисодиётнинг бирламчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккиламчи (саноат) тармоқларидаги ўзгаришлар, учинчи (хизмат кўрсатиш) ва тўртинчи (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, ахборот-коммуникация технологиялари) секторларнинг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши ва роботлаштирилиши, меҳнат ресурсларининг қайта тақсимланиши меҳнат бозорини тубдан ўзгартириб юборди. Оқибатда, меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг прекарият (лотинча: “precarium” – “беқарор”, “кафолатланмаган” сўзларидан) номини олган табақаси шакллана бошлади (1-расм) ва беқарор (уни ностандарт деб ҳам аташади) иш билан бандлик оммалаша бошлади.

Прекариятнинг белгилари каторида қуйидагилар кўрсатилади:

- иш билан бандликнинг беқарорлиги ёки иш билан бандликнинг кафолатланмаганлиги;
- меҳнат мазмунининг беқарорли;
- ўртача ойлик иш ҳақи ва даромаднинг беқарорлиги;
- ўзаро ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва ўзаро ёрдам ўрнатилмаганлиги;
- жамият ва корхонада (ташкилотда, муассасада) ходим мавқеининг пастлиги;
- шахснинг турмуш кечириши ва ўзлигини намоён қилиши ҳолатининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатиши;

- шахснинг узок вақт давомида беқарорлик ҳолатида эканлиги⁶.



1-расм. Беқарор иш билан бандлар (прекарият) турлари⁷

Меҳнат бозорида барқарор ҳамда беқарор иш билан бандлик хусусиятларини ходимларнинг меҳнат шaroитлари ва кафолатларини таққослаш орқали яққол тасаввур этиш мумкин (1-жадвал). Яъни беқарор иш билан бандлик:

- иш билан бандликнинг кафолатланмаслиги;
- тўлиқсиз иш вақти (кун, ҳафта);
- иш жойининг ходимлар ўртасида тақсимланиши (бир иш жойига навбатма-навбат ишлайдиган ходимларни ёллаш);
- вақтинчалик ёки мавсумий иш (шартномада ишга ёллаш муддатининг ёки иш ҳажмининг чегараланиши);
- масофадан туриб ишлаш;
- ўриндошлик асосида ишлаш;
- ўзини ўзи иш билан банд қилиш;
- меҳнат хавфсизлигининг таъминланмаслиги;
- ходимлар вакиллари – касаба уюшмаларининг мавжуд эмаслиги хусусиятларига эга.

⁶ Шкаратан О.И., Карачаровский В.В., Гасюкова Е.Н. Прекарият: теория и эмпирический анализ (на материалах опросов в России, 1994-2013) // Социологические исследования. 2015. № 12. - С. 101-102.

⁷Муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, иқтисод фанлари доктори Қ.Х.Абдурахмонов прекаризациянинг шаклланишига сабаб: “Иш билан ностандарт бандликнинг кенг кўламлиги товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишдаги таркибий ўзгаришлар, меҳнат бозорининг эгилувчанлиги кучайиб боаётган бир вазиятда меҳнат ва тадбиркорликда ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шакллари пайдо бўлишининг натижаси”⁸ эканлигини таъкидлайди.

1-жадвал

Иш билан барқарор ва беқарор бандликка хос меҳнат шароитлари⁹

Кўрсаткичлар	Иш билан барқарор бандлик	Иш билан беқарор бандлик
Давлатнинг роли	Меҳнат бозорини тартибга солиш	Иш билан ўзгарувчан бандликни тартибга солиш
Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши	Оммавий ишлаб чиқариш. Аниқ белгилаб қўйилган иш вақти	Ўзгарувчан ишлаб чиқариш. Аниқ белгилаб қўйилмаган иш вақти
Иш билан бандлик концепцияси	Иш билан тўла бандлик	Иш билан ўзгарувчан бандлик
Иш жойи	Иш жойи мавжудлиги	Иш жойи мавжуд эмаслиги ёки иш жойининг мунтазам ўзгариб туриши
Иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар	Меҳнат шартномаси асосида	Қичқа муддатли шартномалар, оғзаки (норасмий) келишувлар
Иш билан бандлик кафолати	Иш берувчининг ихтиёрий ишдан бўшатишидан ҳимояланганлик, ишга ёллаш ва ишдан бўшатишнинг тартибга солинганлиги	Ижтимоий ҳамда иш берувчининг ихтиёрий ишдан бўшатишидан кафолатларнинг мавжуд эмаслиги
Даромадларнинг кафолатлари ва таркиби	Доимий барқарор даромад. Иш ҳақи ва қўшимча ижтимоий имтиёзлар (қўшимча мукофотлар, пул тўланадиган меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун тўловлар, суғурталаш, пенсия таъминоти ва бошқалар)	Доимий барқарор даромаднинг мавжуд эмаслиги. Иш ҳақи тўланиши. Қўшимча даромадларнинг (мукофотлар, пул тўланадиган меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун тўловлар, суғурталаш, пенсия таъминоти ва бошқаларнинг) мавжуд эмаслиги
Ходим манфаатларининг ҳимоя қилиниши	Касаба уюшмалари орқали меҳнат бозорида жамоавий ҳимояланиш. Иш берувчи – жамоа тартиби	Ходим манфаатларининг ҳимояланмаганлиги. Иш берувчи – ходим

Диссертант тадқиқот мавзуси бўйича назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда беқарор иш билан бандлик – прекаризациянинг

⁸ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик / Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: “FAN”, 2019. – Б.318.

⁹Муаллиф томонидан тайёрланган.

қуйидагича муаллифлик таърифини беради: “Беқарор иш билан бандлик (прекаризация) – ходимларнинг иш берувчи билан норасмий келишувлар асосида амалга оширадиган ночор ёки мажбурий меҳнат фаолияти бўлиб, унинг учун ходимнинг иш жойидаги ҳуқуқлари расмийлаштирилмаган ёки чегараланган, муносиб меҳнат кафолатлари – аниқ иш вақти белгиланмаган, ижтимоий хавфсизлик таъминламаган, иш ҳақи муносиб эмас, касб маҳоратини такомиллаштириш, малака даражасини ошириш кўзда тутилмаган меҳнат муносабатларидир”.

Тадқиқот ишида мамлакатда норасмий банд аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб, кўп омилли регрессион модель ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди. Бунинг учун Республика вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг 2019 йилдаги статистик маълумотларидан фойдаланилди (2-жадвал).

Бунинг учун қуйидаги омиллар танлаб олинди ва қуйидагича белгилаш киритилди: норасмий банд аҳоли сони - Y ; иқтисодий фаол аҳоли сони - X_1 ; расмий банд аҳоли сони - X_2 ; ишга мухтож аҳоли сони - X_3 ;

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги вазият (2019йил)¹⁰ (киши)

№	Вилоятлар	Норасмий банд аҳоли сони Y	Иқтисодий фаол аҳоли сони X_1	Расмий секторда банд аҳоли сони (меҳнат мигрантлари билан бирга) X_2	Ишга мухтож аҳоли сони X_3
	Республика бўйича жами	7828968	14876409	5712119	1335322
1	Қорақалпоғистон Республикаси	415456	782108	295788	70864
2	Андижон вилояти	837189	1413945	447351	129405
3	Бухоро вилояти	430407	875362	366666	78289
4	Жиззах вилояти	340314	590246	195860	54072
5	Қашқадарё вилояти	758294	1345335	461756	125285
6	Навоий вилояти	147352	450847	265342	38152
7	Наманган вилояти	753851	1214747	350783	110113
8	Самарқанд вилояти	954414	1604202	501365	148423
9	Сурхандарё вилояти	680042	1128870	344211	104617
10	Сирдарё вилояти	181900	385918	168217	35801
11	Тошкент вилояти	669803	1353491	563097	120590
12	Фарғона вилояти	922179	1644762	570367	152216
13	Хоразм вилояти	460493	810109	276068	73549
14	Тошкент ш.	277275	1276468	905248	93945

Омиллар ўртасидаги муносабатларни ўрганиб, таҳлил қилиш

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

натижасида маълум бўлдики, чизикли кўп омилли регрессион тенгламани баҳолаш мезонлари билан баҳолаш ва корреляцион матрицаси таҳлил натижалари аҳамиятсиз бўлганлиги сабабли қуриладиган кўп омилли регрессион моделнинг даражали эмпирик моделини қуриш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

3-жадвал

Норасмий иш билан бандлик жараёнига таъсир этувчи омиллар асосида қурилган кўп омилли даражали эмпирик модель параметрлари¹¹

Метод: энг кичик квадратлар усули				
Кузатишлар сони: 14				
Ўзгарувчи	Модель коэффициентлари	Стандарт хатолар	t-Стъюдент мезони	P-қиймати
X1	0.399967	0.619937	0.645173	0.5333
X2	-0.652136	0.064656	-10.08619	0.0000
X3	1.280342	0.562761	2.275106	0.0462
C	1.391299	1.392010	0.999489	0.3411
R-Детерминация коэффициентлари	0.997950	Боғлиқ ўзгарувчининг ўртача қиймати		13.20116
Текисланган R-Детерминация коэффициентлари	0.997334	Боғлиқ ўзгарувчининг стандарт четланиши		0.626264
Регрессиянинг стандарт хатоси	0.032333	Акайкенинг ахборот мезони		-3.790494
Қолдиқлар квадратлари йиғиндиси	0.010454	Шварцнинг ахборот мезони		-3.607906
F-фишер мезони	1622.373	DW-Дарбин-Уотсон мезони		1.796637
P-қиймати (F-фишер мезони)	0.000000			

3-жадалда Eviews 9 дастурида асосида олинган натижа орқали қуйидаги эмпирик модель ҳосил қилинди¹²:

$$Y = 4,02 * X_1^{0,40} * X_2^{-0,65} * X_3^{1,28}$$

$$t(0,999)(0,645)(-10,086)(2,275)$$

Мамлакатда норасмий банд аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб қурилган кўп омилли регрессион модель натижасининг таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакатда иктисодий фаол аҳоли сонининг 1 фоизга ошиши норасмий секторда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг 0,4 фоизга ошишига, расмий секторда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг 1 фоизга ошиши норасмий секторда банд бўлган аҳоли сонининг 0,65 фоизга камайишига ҳамда ишга мухтож аҳоли сонининг 1 фоизга


¹¹ Муаллиф томонидан Eviews 9 дастурида тузилди.

¹² Муаллиф томонидан Eviews 9 дастурида тузилди.

ошиши, норасмий секторда банд бўлган аҳоли сонининг 1,28 фоизга ошишига олиб келиши аниқланди.

“Ўзбекистон меҳнат бозорида аҳолининг беқарор иш билан бандлиги ҳолатининг таҳлили” деб номланган II бобда мамлакат ҳудудларида беқарор иш билан бандликнинг сабаблари ва кўламлари, унинг миллий иқтисодиёт ва аҳоли даромадларига таъсири, шунингдек, хорижда аҳолининг беқарор иш билан бандлигини тартибга солиш тажрибаси ва ундан Ўзбекистон иқтисодиётида фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Мамлакатда 2017-2020 (январь-сентябрь) йилларда норасмий секторда иш билан бандлик даражаси (меҳнат мигрантлари билан бирга) 2017 йилда 57,4%ни, 2020 йилнинг январь-сентябрь даврига келиб, 50,7% ни ташкил этган ва пасайишга эришилган. Ишсизлик даражаси эса беқарор, яъни 2018 йилда - 9,3%ни, 2019 йилда - 9,0%ни, жорий йилнинг январь-сентябрь даврига келиб эса, 11,1%ни ташкил этмоқда (2-расм).




2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2017-2020 (январь-сентябрь) йилларда норасмий секторда иш билан бандлик ва ишсизлик даражасининг ўзгариши¹³

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнат муҳофазаси илмий марказининг маълумотларига кўра, 2019 йилда илк бор расмий секторда банд аҳоли сони 2018 йилга нисбатан 3,7% га кўпайиб, 5 712,1 минг кишини ташкил қилган. Норасмий секторда иш билан банд бўлганлар сони (меҳнат мигрантларини ҳисобга олмаганда) 5 368,3 минг кишини ташкил этган. Иш

¹³ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий маълумотлари асосида тузилди.

ўринларини логлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида норасмий вақтинчалик ва мавсумий ишларни бажарувчилар 19,6 мингта, рўйхатдан ўтмай ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар 42,8 мингта камайтган. (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда иш билан бандлик кўрсаткичлари (2020 йил 1 январгача бўлган маълумот, минг киши)¹⁴

Жорий даврда мамлакатда ишсизлик даражасининг кескин ортиши глобал пандемиянинг оқибатлари билан изоҳланади(4-жадвал). Жумладан, 2020 йилнинг март ва апрель ойларида камидан битта аъзоси фаол ишлайдиган уй хўжалиқларининг 40%дан ортиқ қисми ишидан маҳрум бўлди. Айниқса, ўзини мустақил иш билан банд қилганларнинг салмоғида пайсиш қузатилди ва уларнинг даромади аввалги ойга нисбатан 67%га камайдди. Катъий чекловлар ва карантин норасмий секторда иш билан банд аҳолининг даромадлари камайтишга сезиларли таъсир кўрсатди.

4-жадвал


Пандемия даврида иш билан бандликнинг ҳолати¹⁵

Расмий сектор	4, 2 млн киши			8 млн киши
	Давлат ва нодавлат корхона ва ташкилотлар	Кичик корхоналар	Микро-фирмалар	
Норасмий сектор	Якка тартибдаги тадбиркорлар	Узини ўзи банд қилганлар	Норасмий бандликнинг бошқа шакллари	
Норасмий сектор				
Жами иш билан бандлик				

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Мехнат муносабатлари вазирлигининг расмий маълумотлари //http://www.mehnat.uz

¹⁵Халқаро Мехнат Ташкилоти маълумотлари. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europa/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_751295.pdf

Ўзбекистонда қатъий чекловлар ва карантин туфайли ўзини иш билан мутақил банд қилган аҳолининг 21,8 фоизи ва шахсий тадбиркорларнинг 24,8 фоизи меҳнат фаолиятдан айрилди. Норасмий секторда меҳнат фаолияти юритаётганлар таркибида 1,1-1,5 млн. киши карантин туфайли ижтимоий беқарорлик ҳолатига тушиб қолди. Энг кўп зарар кўрган аҳоли гуруҳига ҳақ тўланадиган ёлланма ишчилар ва меҳнат мигрантлари тўғри келмоқда (4-расм).



4-расм. 2020 йилнинг апрель ҳолатига кўра ишсиз қолган беқарор иш билан бандлар¹⁶ (олдинги ойга нисбатан % да)

Ўзбекистонда аёллар иқтисодий фаоллиги пастлигининг асосий сабаби - уларнинг кўпроқ фарзандларини тарбиялаш ва уй юмушлари билан шуғулланишидир. Шу билан бирга, олиб борилган таҳлиллар мамлакатда иш билан бандликдаги гендер тафовутлар, мактабгача тарбия муассасалари етарли эмаслиги, коммунал хизматлар сифатининг қониқарсизлиги, таълим олиш, айниқса, олий таълим муассасаларида ўқиш имкониятлари муайян даражада чегараланганлиги, шу туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам пастлигини кўрсатди. (5-расм)

Ёшлар ўртасида беқарор иш билан бандлик даражаси юқорилигининг ўз сабаблари бор. Бу, биринчидан, иш берувчиларнинг ана шу ёшдаги йигит ва қизларни касб-хунарга ўргатиш, малакасини ошириш учун кўшимча харажатлар қилишни хоҳламасликлари билан изоҳланади. Шунинг учун иш берувчилар ёшларни кўпроқ алоҳида тайёргарлик талаб қилмайдиган мавсумий кишлоқ хўжалик ҳамда қурилиш ишларига, савдо-сотик, умумий овқатланиш тизимида хизмат кўрсатиш соҳаларига вақтинча ёллашни маъқул кўрадилар.

Иккинчидан, беқарор иш билан бандлик ёшларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишни давом эттириш имкониятини беради.

¹⁶Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълумотлари. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_751295.pdf

Учинчидан, ёшлар ўзлари учун бўлажак касб ва ихтисосликларни танлаш мақсадида турли соҳаларда ўз қобилиятини синаб кўриш мақсадида беқарор иш билан бандлик турларини танлаши аниқланган.



5-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами бандлар сонига аёллар улуши (фоизда)¹⁷

Мамлакатда беқарор иш билан бандликнинг аутсорсинг, фриланс каби шакллари ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад ишлаб топиш кўшимча имкониятини яратиши ҳисобга олинган ҳолда улардан давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар, жисмоний тарбия ва спорт, мактабгача тарбия вазирликлари тизимида ходимлар ва ҳарбий хизматчилар, таълим муассасалари талабалари ва тарбияланувчилари овқатланишини ташкил этишда қўллана бошланди.


Беқарор иш билан бандлик турли йўналишларда, турли шаклларда намоён бўлади. Шу муносабат билан беқарорлик кўп ўлчамли бўлиб, унинг ягона баҳолаш усули мавжуд эмас.

Беқарор иш билан бандлик белгилари, асосан, қуйидаги тўрт муносабатда яққол намоён бўлади:

1. Ишлаб чиқариш муносабатларида: барқарор иш билан бандликнинг мавжуд эмаслиги меҳнат бозорида ночор (мажбурий) иш билан қисман бандликнинг ўсиши, норасмий иш билан бандликнинг ўсиши.

2. Тақсимлаш муносабатлари соҳасида: меҳнат субъектлари учун кафолатлар ва хавфсизликнинг мавжуд эмаслиги доимий даромад ва реал иш ҳақининг пасайиши.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.



6-расм. Аҳолининг бекорор иш билан бандлик даражасининг ижтимоий-меҳнат муносабатларига таъсирини тизимли тадқиқ этишнинг концептуал модели¹⁸

¹⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди.

3. Давлат билан муносабатлар соҳасида: меҳнат субъектларининг фуқаролик, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларининг торайиши (йўқлиги), ишсизлик ва норасмий иш билан бандликнинг ўсиши.

